Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 1 февраль
ПАЙШАНБА
№ 27 (4.821).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

## «ФОЙДАНИ ДЕБ ЗАРАР КЎРМАЙЛИК!»

### Хатирчилик мутахассиснинг бу нидосини бутун республика эшитди

Хайрулла Магдиевни шу пайтгача бирга ишлайдиганлар, Хатирчидаги агросаноат жабҳаси ходимлари, хизмат юзасидан йўллари «кесишадиганлар» танишарди. Бир воқеа сабаб бўлди-ю унинг номи бутун Ўзбекистондаги касбдошлари ичида оммалашиб кетди.

Ишонмасангиз, республика «Узсельхозхимия» ишлаб чиқариш бирлашмасининг исталган ходимидан сўранг. Ёки бўлмаса, Ўзбекистон ССР давлат-кооператив қишлоқ хўжалиги комитетининг озуқа етиштириш, сифатини аниқлаш билан шуғулланадиган ходимларига «Сиз Х. Магдиевни танийсизми?» деган саволни беринг. Ишончим комилки, «У кишини танимай бўладими?», «Жуда яхши биламан», «Ўзим суҳбатлашганман» каби жавобларни оласиз.

Хайрулла ака Хатирчи район агрохимия лабораториясида ишлайди. Бу корхонага мудир ҳам эмас, оддий мутахассис, холос. Хўш, у қандай каромат кўрсатдики, ҳаммага шу қадар машҳур бўлса? Балки ёнғин тушган пичан ғарамини ёлғиз ўзи ўчиргандир? Йўқ, ундай эмас. Уни юқори идораларга ёзган хати танитди. Бундан ажабланишингиз табиий: ахир, ҳозир нима кўп, раҳбар ташкилотларда жойлардан юборилган мактублар кўп. Лекин Хайрулла ака битган нома бошқаларникидан фарқ қиларди. Унда оддий бир мутахассиснинг виждон азоби, бугунги ҳаётимизга баҳоси, эртанги кундан умиди — хуллас, қалб қичқириғи ифодаланганди.

Газетхонга тушунарли бўлиши учун андак чекиниш қиламиз. Гап шундаки, 1987 йилда республикамиз районларида (жумладан Хатирчида ҳам) маҳсулот сифати ва салмоғини яхшилаш мақсадида янги идора — агрохимия лабораториялари ташкил этилди. Тасаввур қилинг: шуларнинг ҳаммаси нари борса икки-уч ойга қолмай ишга тушди. Жуда катта шиддат бу! Хўш, ўтган муддат ичида ана шу лабораториялар ўзини оқладими? Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш масаласига алоҳида урғу берилаётган ҳозирги замонда шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ижобий жавоб олишимиз мумкин: аксарият лабораториялар йилни 10—20 минг сўм фойда билан якунлашаяпти. Лекин аслида бу алдоқчи таассурот. Хўжаликлар билан тузилган шартномалар ҳисобига даромад олинаяпти, аммо бундан амалда... зарар кўпаймоқда. Тушунмадингиз-а? Хайрулла ака шу фикрни бошқаларга тушунтиришда роса қийналди.

СССР халқ артисти Евгений Леонов бош ролни ўйнаган «Мукофот» фильмидаги Потапов сиймоси ёдингиздами? Мен хатирчилик мутахассисни ана шу қаҳрамонга қиёслагим келди. Кинодаги Потапов қурилишнинг умумий аҳволи нохушлигидан норози бўлиб мукофот олишдан бош тортади. Замондошимиз Х. Магдиев эса ўзи ва кўплаб касбдошлари давлатнинг, яъни халқнинг пулини беҳуда олишаётганлигидан виждони қийналади.

Агрохимлабораторияларнинг асосий вазифаларидан бири колхозлар, совхозларда тайёрланадиган озуқанинг сифатига баҳо бериш (у классларда ифодаланади), таркибидаги тўйимли моддаларни кўпроқ сақлаб қолиш учун ўриш, йиғиш, ташиш, ғарамлаш, ўрага кўмиш каби муддатларни илмий асосланган ҳолда айтиб бериш ва ҳоказолардан иборат. Хўжаликларнинг озуқакорлари, чорвадорлари лаборатория фикри билан ҳисоблашсалар, наф кўрадилар. Ўзи 1987 йилда бошланган ишдан асл мақсад ҳам шу эди. Лекин лаборатория ходимлари махсус технология асосида ўлчаш, текшириш, якун чиқариш ишларини бажаравердилар-у, уларнинг хулосалари зое кетарди.

Фараз қилайлик: она ўз фарзандига: «Бугун қор ёғаркан, ҳали радиода айтди, иссиқроқ кийиниб олгин», — деса-ю қулоқсиз болакай кўчага кўйлакчан чиқса... Агрохимия лабораториялари маълумотларини пул тўлаб олаётган, лекин унга амал қилмаётган хўжаликларнинг мутасаддиларини ўша ўжар гўдакка қиёсласа бўлади.

— Ахир, бизнинг маълумотларимиз бирор жойда наф келтирмаса, назарда тутилмаса, ишлашнинг нима кераги бор? — деб нидо қилади ўз хатида Х. Магдиев. — Мен 1988 йилда ҳам бу масала хусусида ёзиб юборгандим. Ўшанда республика Агросаноат давлат комитети ходими Садриддин Абдурашидов келди. Мен билан суҳбатлашди. Номига бир-иккита зоотехникларни жазолаш ҳақида сўз юритди-ю менга: «Сиз бу йилча индаманг, келгуси йилда қонуний йўлга қўямиз», — деб тинчлантирди. Мана 1989 йил ҳам ўтди. Эски ҳаммом, эски тос. Ҳеч нарса ўзгармади.

Дарвоқе, бу борада тартиб ўрнатиш учун ўтган йили бир иш қилинди. 1989 йилнинг 20 март куни Ўзбекистон ССР министри «Озуқа сифатини яхшилаш юзасидан чоралар ҳақида»ги буйруққа имзо чекди. Унда шундай сатр бор: «10—СХ формасидаги якуний ҳисобот фақат лаборатория таҳлиллари аниқлаган озуқанинг ҳақиқий тўйимлилиги маълумотларини ҳисобга олиб тўлдирилсин». Жудаям тўғри буйруқ бу. Лекин унга амал қилинмаса, қоғоздаги сўздан нима фойда?

Мен Хайрулла Магдиевнинг ана шу хатига муносабатда қайта қуришнинг эътиборли жиҳатини кўрдим. «Узсельхозхимия» республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси А. А. Уркинбоев мазкур мактубда тасвирланган аҳвол аксарият районларга хос эканлигини ҳисобга олиб, областлардаги мутахассисларни давра суҳбатига чорлади. Унда ҳеч ким махсус маърузани ўқиб бермади. Асосий руҳни Х. Магдиев яратди. У ўз хатида айтган ва айтолмаган долзарб муаммолар хусусида тўлқинланиб гапирди. Республиканинг бошқа районларида агрохимия лабораторияларида аҳвол қандайлиги билан қизиқди. Касбдошларини ошкора, эмин-эркин суҳбатга чорлади.

Муаммолар эса йиғилиб қолган экан. Ҳамма ўз дардини айтди.

— Бизда ҳам лабораторияларга худди шундай муносабат, —деди Шаҳрисабз район агрохимлабораторияси мудири Эшқул Муҳаммадиев. — Хўжаликларнинг мутахассислари юзимизга очиқ айтишади: хоҳ таҳлил қилинг, хоҳ қилманг — барибир мол шу озуқани ейди. Чириб кетса ҳам охурга соламиз.

— Нега энди биз бирор жазо чорасини қўлланиш ҳуқуқига эга эмасмиз? — дея куйиб-пишади Оржоникидзе районидан Людмила Маркова.

— Хўжалик ҳисоби, мустақиллик ҳақидаги гаплар бизга тегишли эмасми? — дея сўз олади Балиқчи районидан келган С. Тўйчиев. — Қачон қўлимизга муҳр тегади?

— Лоақал транспорт ва телефон масаласини ҳал қилолмаяпмиз, — дея зорланади Самарқанд район агрохимлабораторияси мудири Т. Жўраев.

Ана шу муаммо жуда кўп районларга хос эканлиги маълум бўлди. Ахир, жуда эпчиллик ва ҳозиржавоблик кўрсатилгандагина озуқани текшириш натижаси самара беради.

Чинакамига ишчанлик руҳида ўтган бу суҳбатда республика чорвадорларининг бош раҳбари — Ўзбекистон ССР давлат-кооператив қишлоқ хўжалиги комитети раиси ўринбосари Х. Исканов ҳам қатнашди. Мутахассислар фаолиятидаги оғриқ нуқталарни, бутун кескинлиги билан қўйилган муаммолар хусусидаги дарду ҳасратни диққат билан эшитди. Фақат иш манфаатини кўзлаган бу суҳбат анча фойдали бўлди.

Ҳа, Хайрулла Магдиев ўз қорни ғамида эмас, умумий манфаатни кўзлаб мактуб битганди. Қайта қуриш қонунига биноан унинг даъватини республикадаги касбдошлари эшитишди. Энди бу нидонинг акс садоси ҳам яхши бўлиши керак.

**Ш. ЖАББОРОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**



Қишнинг қийин кунлари ўтиб бормоқда. Бу даврда ўз маҳоратини тўла ишга солган чорвадоргина панд емайди. Дўстлик районидаги «Комсомол» совхози сутчилик фермасида сигирсоғарлар ўртасидаги мусобақа тобора авж олаяпти. Меҳнат беллашувининг олдинги сафида пешқадам чорвадор Салтанат Жўраева бораётир. У йил давомида ҳар бош говмишдан пландагига нисбатан 100 килограмм кўп сут соғиб олишга сўз берган.

СУРАТДА: мусобақа пешқадами Салтанат Жўраева.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

## МАВСУМГА ШАЙ

**Балиқчи районидаги колхозлар ва совхозларда кўкламги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Механизаторлар, чилангар-созловчилар техника воситаларининг асосий қисмини барвақт шайлаб қўйдилар. Беллашувда «Ўзбекистон» колхози пешқадам. Бу ерда ишловчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиб берилгани суръатга суръат қўшмоқда. Дам олиш хонаси ишлаб турибди. Ҳар куни тушликда иссиқ овқат тайёрланмоқда. Ишдан сўнг ювиниш учун душ қурилган. Турли хил эҳтиёт қисмлар ўз вақтида етказиб берилаяпти.**

**Бу тадбирларнинг ҳаммаси ўз самарасини бераётир. 13 та сеялка, 29 та культиватор, 40 комплект борона, 5 та чизель, 19 та ҳайдов, 39 та чопиқ, 25 та транспорт трактори қўлдан чиқарилиб, тайёрлов чизиғига келтириб қўйилди. Бунда Абдусамад Маҳкамов, Ботирали Умаров, Мамадали Сонпов каби механизаторлар, Абдураҳим Ҳотамов, Акрамжон Жумабоев сингари созловчи-чилангарлар алоҳида ибрат кўрсатдилар.**

**Бош инженер Одилжон Латипов раҳбарлигидаги сифат комиссияси ишлаб турибди. Улар ҳар бир созланган агрегатни махсус текширувдан сўнг қабул қилиб олмоқдалар.**

А. ВАҲОБОВ.

## ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

**Оҳангарон районидаги Будённий номли совхознинг меҳнаткашлари қишки тадбирларни жадал давом эттирмоқдалар. Бу юмуш айниқса Содиқали Раҳмонов бошлиқ бригадада намунали ташкил этилган. 40 гектар майдон аллақачон сифатли шудгорлаб қўйилган, ариқ-зовурлар тартибга келтирилди. Ҳар гектар ерга ҳайдов олдидан тегишли миқдорда гўнг сепилди.**

**Ҳакима Зиёвуддинова раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ҳам баҳорга тайёргарликни қизитмоқдалар. Меҳнат аҳли бултур тайёрлов пунктига 230 тонна маккажўхори дони, 240 тоннадан кўпроқ силос етказиб берган эди. Уларнинг бу йилги аҳди янада баланд.**

**— Экин майдонларининг аксарият қисми шўрхок, — дейди Ҳакима опа. — Агар ер маҳаллий ўғитга тўйинтирилмаса, мўлжалдаги ҳосилни олиш мушкул. Шу боис жорий йилда ҳар гектар майдон ҳисобига 30 тоннадан гўнг жамғаришни мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозир бу юмуш жадал бормоқда.**

М. ҚАЮМОВ.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИГА

## Буюк бобомиз руҳига таъзим

Тошкентда ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий (1441—1501) таваллудининг 550 йиллигини ўтказиш юбилей комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институтининг директори А. Қаюмов юбилейга тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборот берди.

А. Навоий туғилган куннинг 550 йиллигини ўтказишга доир тайёргарлик ишларига давлат, илм-фан, жамоат ташкилотлари қўшилдилар. Давлат матбуот комитети Навоий асарлари ва унинг ҳаёти ҳамда ижоди тўғрисидаги китобларни нашр этиш режаларини ишлаб чиқди. «Фан» нашриёти Алишер Навоийнинг 20 жилдлик тўла асарлар тўпламини ўзбек тилида нашр этишга киришди. Шу нашриётда Навоийнинг 15 жилдлик асарлар тўплами рус тилида чиқарилади. Навоийнинг «Зубдатут таворих», («Тарихларнинг хулосаси»), «Насоимул муҳаббат», «Вақфия» насрий асарлари биринчи марта рус тилига ўгирилди. Бошқа нашриётлар ҳам Навоийнинг айрим асарларини, шунингдек шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги монографиялар, очерклар, китобчаларни нашрга тайёрлашмоқда.

Архитекторлар уюшмаси, Тошкент шаҳар ижроия комитети, Маданият министрлиги, «Китобхон» жамияти Навоий меъморий ёдгорлиги ғояси ва у ўрнатиладиган ерни танлаш учун конкурс эълон қилдилар.

Самарқандда Навоий яшаган ва ўқиган Абдуллайсий гузарини ободонлаштириш, шунингдек Навоий уй-музейини ташкил этиш назарда тутилмоқда. А. Навоий номли давлат академик опера ва балет катта театри янги спектакль — «Навоий» операсини тайёрламоқда. Навоий туғилган, яшаган ва дафн этилган Ҳирот шаҳри тўғрисида ҳужжатли фильм тайёрланмоқда.

«Ўзбекфильм» киностудиясида иккита тўла метражли бадиий фильмни яратишга киришдилар; уларнинг бири Навоийнинг сиёсий фаолиятига бағишланган, бошқаси эса «Фарҳод ва Ширин» достони асосида суратга олинади.

Навоий ижодига бағишланган илмий конференцияларни ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Навоий тўғрисидаги энг яхши қўшиқлар ва мусиқа асарларига, ушбу асарларни жуда яхши ижро этганлик учун конкурс эълон қилинади.

Бутун республикамизда, иттифоқдош ва автоном республикаларда, Москвада ва Қаҳрамон шаҳар Ленинградда юбилей тадбирларини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу билан бирга олиб борилаётган ишлар суръати етарли эмаслиги мажлисда таъкидланди. Жумладан, Самарқандда уй-музей, Тошкентда Навоий меъморий ёдгорлигини барпо этиш масалаларини ҳал қилиш чўзилиб кетмоқда. Юбилей ўтказиладиган вақтгача Тошкентда Навоий номли давлат халқ кутубхонаси янги биносини қуриш борасидаги ишлар жадаллаштирилиши зарур. Муҳокама чоғида бир қанча аниқ таклифлар киритилди.

(УзТАГ).

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Урганчда Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Э. А. Раҳмонов Хива район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланганлиги муносабати билан область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Бир неча номзод орасидан «Хоразм ҳақиқати» газетасининг муҳаррири бўлиб ишлаган Э. Самандаров Хоразм область партия комитетининг секретари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ В. А. ЧЖЕННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Виктор Анатольевич **Чжен** Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси**
**М. ИБРОҲИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 30 январь.

## РАҚИБЛАР ЭМАС, САФДОШЛАР

Ҳайдовчи ва журналист, педагог ва уч шифокор — Ўзбекистон ССР, Сирдарё область ва Жиззах шаҳар Советлари халқ депутатлигига номзодлар сайлов кампанияси айни авжига чиққан кезда ўз куч-ғайратларини бирлаштирдилар.

— Биз ўзимизнинг сайловолди ҳаракат дастурларимизни таққослаб кўрганимиздан кейиноқ биргаликда ишлашга аҳд қилдик, — деди Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Э. Жўрабоев. — Чунки якка-якка ҳаракат қиладиган бўлсак, регионнинг жиддий иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишимиз мушкул бўлади. Шунинг учун ҳам территориядаги ягона депутатлик группасидек ишлашга қарор бердик.

Бу группанинг ҳамма аъзолари ҳам депутат мандатларини олишмаса нима бўлади? — деб сўрадик.

— Биз буни ҳам назарда тутганмиз, — дейди область Совети депутатлигига номзод Ш. Тўраев. — Ютқизиб қўйган одамлар ўрнини муносиброқ мухолифлар эгаллайди, аммо ўша принцип қолаверади, яъни турли даражалардаги депутатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириб бораверамиз. Бизнинг рақибларимиз бўлган депутатликка номзодлардан Х. Алимова ва Ш. Салоҳиддинов, Э. Миразимов ва С. Ражабов бу ташаббусни фаол қўллаб-қувватламоқдалар ва территориядаги группанинг ишида иштирок этишга тайёрдирлар.

**Л. ЕЛИЗАРОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## ИНСОН ОМИЛИ ЭЪТИБОРДА

Қаерда инсон омили эътиборда бўлса, ўша ерда муваффақият қўлга киритилади. Беруний районидаги Навоий номли колхознинг бош устахонасидан қиёс: бу ерда талабчанликни ошириш одамларга ғамхўрлик кўрсатишни кучайтириш билан бирга қўшиб олиб борилмоқда. Натижада барча техника воситалари экиш-тикиш мавсумига тахт қилиб қўйилди.

— Техника — деҳқон қаноти. У бор экан, юмушимиз енгил, ишимиз унумлидир, — дейди бош инженер Йўлдош Эшчонов. — Мисол учун бултурги пахта йиғим-теримини олайлик. Давлатга 3105 тонна хом ашё сотилди. Унинг 70 фоизидан кўпроғи бункерлардан тўкилди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ортади. Шу мақсадда техника воситаларини созлаш уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Ҳозиргача 11 та сеялка, 19 та плуг, 11 та чизель, 45 комплект борона, 5 та ўғит сепадиган мослама, 51 та чопиқ ва ҳайдов трактори сифатли қўлдан чиқарилди. Амат Шомуродов, Соли Бекчонов, Телесбой Бермахонов, Қўзибой Собиров, Бахтиёр Халилов каби созловчи-чилангарлар кунлик топшириқни 1,5—2 ҳисса ошириб адо этишмоқда.

Мусобақа яхши йўлга қўйилган. Ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқда.

**С. СОЛИҲОВА.**

## САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

276-Заркент сайлов округининг сайловчилари шу округдан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Иброҳимов билан учрашдилар. Учрашувлар Янгиқўрғон районининг Заркент ва Нанай қишлоқларида, «Ғалаба» совхозида бўлиб ўтди.

Депутатликка номзод ўзининг сиёсий ҳаракат дастури Ўзбекистон Компартиясининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар сайловига ҳаракат дастури билан узвий боғланганлигини айтди. У республика партия, давлат органлари Ўзбекистон ССР иқтисодиётини барқарорлаштириш, деҳқонларга катта ҳуқуқлар ва замин соҳиби бўлиш имкониятини бериш юзасидан катта ишлар олиб бораётганликларини сўзлаб берди. Иқтисодий ва ижтимоий тадбирлардан асосий мақсад — халқ фаровонлигини ошириш, меҳнаткаш инсоннинг барча нарсаларга бўлган эҳтиёжини қондириш, унинг унумли ишлаши учун шарт-шароит яратишдан иборат. Халқ депутатлари Советлари олдида мана шу масалаларни ҳал этиш борасида катта вазифалар турибди.

Учрашувларда сайловчилар халқ депутатлигига номзодга наказлар бердилар. Улар районни сув билан таъминлаш, ерларни суғоришни яхшилаш, қишлоқларни газлаштириш, саноат корхоналари филиалларини қуриш масалаларига тааллуқли эди.

М. И. Иброҳимов кўпдан-кўп саволларга жавоб қайтарди. Республика халқ депутати этиб сайланган тақдирда сайловчиларнинг ишончини оқлаш учун барча ишларни қилиши тўғрисида учрашув қатнашчиларига ваъда берди.

Учрашувларда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов, Наманган область ижроия комитетининг раиси Б. Ж. Ҳакимов иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ У. А. АБДУРАЗЗОҚОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МАТБУОТ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Убайдулла Аббосович **Абдураззоқов** Ўзбекистон ССР матбуот давлат комитетининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси**
**М. ИБРОҲИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари**
**Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри,
1990 йил 30 январь.

